

Жамиятнинг 2023 йил 9 ойлик бизнес-режасини бажарилиши
ҳамда жамиятда олиб борилган ишлар бўйича

М А Ъ Л У М О Т

"Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамияти 2023 йил 9 ойлик давомида амалдаги нархларда **177 млрд. 475 млн. 796 минг** сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда **139 млрд. 474 млн. 310 минг** сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва белгиланган режага нисбатан **78,6** фоизга бажарилди.

Озуқали этил спирти ишлаб чиқариш режаси **890,0 минг** далл белгиланган бўлиб, ҳақиқатда **781,4** минг даллга бажарилди ёки белгиланган режага нисбатан **87,8** фоизни ташкил этади.

2023 йил 1 октябрь ҳолатига, жамиятнинг тайёр маҳсулот омборида **147,76 минг** дал ёки **24 млрд. 728 млн. 481 минг** сўмлик тайёр маҳсулот қолдигини ташкил этган.

Жамият 2023 йил 9 ой давомида спирт ишлаб чиқариш бўйича қувватлардан фойдаланиш коэффициенти **55,3** фоизни ташкил этди.

Меҳнат унумдорлигидан фойдаланиш режада **467 млн. 42 минг** сўмни ташкил этиб, ҳақиқатда **405 млн. 449 минг** сўмни яни бизнес режа **86,8** фоизга бажарилди.

Жамиятнинг 2023 йил 9 ойлик якуни бўйича соф фойда олиш бўйича белгиланган режа **2 млрд. 933 млн. 7 минг** сўмни ташкил этган бўлиб, ҳақиқатда **4 млрд. 26 млн. 261 минг** сўм этиб, режа **171,1** фоизга бажарилди.

Ушбу ишлаб чиқарилиши режалаштирилган этил спиртини ишлаб чиқаришда ва сотишда қатор муаммолар мавжуд.

Ўтган давр мобайнида Алкогол маҳсулоти ишлаб чиқарувчи заводлар томонидан белгиланган тартибда наряд асосида ажратилган этил спиртини сотиб олиниши тўлиқ ўзлаштирилмаган. Бунинг сабаби ўрганилганда, алкоголь маҳсулоти ишлаб чиқарувчи корхоналар тўлиқ қувватда ишламаётганликларидир.

Бунга сабаб,

1) Ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар омборда туриб қолаётганлиги;

2) Тайёр маҳсулот, акциз солиғи ставкаси юқорилиги ҳисобига нархлар баландиги, бу эса маҳсулот сотилишига кескин тўсқинлик қилмоқда.

Алкогол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонларда айланма маблағларининг танқисчиллиги туфайли, ҳозирги кунда жамиятда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш жараёнларида узилишлар вужудга келмоқда.

Бу эса,

1) Жамиятнинг тўлиқ қувватларда ишлашига;

2) Белгиланган бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилмаслигига;

3) Ишчи ва хизматчиларни ойлик маошларини вақтида берилмаслигига; жамиятнинг бюджет олдидаги мажбуриятларни бажарилмаслигига;

"Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамияти бошқаруви юқорида қайд этилган яъни жамиятнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини барқарорлигини таъминлаш бўйича барча чораларни кўрмоқдалар.